

---

Сайёр қабулда кўтарилган масалалар жойига чиқиб ўрганилди  
Ўзбекистон тумани ҳокими Ш.Юлдашев кеча сектор ҳудудидаги “Кичик оқмачит”  
МФЙда сайёр қабул ўтказган ва биз бу ҳақда маълум қилган эдик.

Сектор раҳбари мазкур сайёр қабулда маҳалла аҳли вакиллари томонидан  
кўтарилган масалалар бўйича бугун жойига чиқиб ўрганди.



Маҳалладаги 856 та оилада 3980 га яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ўрганишлар давомида маҳалладаги Олмазор кўчасида жойлашган кўприкни  
кенгайтириш ва бошқа муаммоларнинг ечими юзасидан зарурий чоралар  
белгиланди. Бу борада тегишли масъулларга зарур кўрсатмалар берилди.



Сектор раҳбари хонадон вакиллари ва фаоллар билан суҳбатлашди. Улар томонидан билдирилган талаб ва таклифлар асосида маҳаллани обод қилиш бўйича яна бир қатор тадбирлар белгиланди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-02-12 00:29:53